



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 10 сентябрь, № 178 (4841)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ
«Қимматли қозғолар бозори
тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни қабул
қилинганлиги муносабати билан
Ўзбекистон Республикасининг
айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 223-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қимматбахо қозғоларга» деган сўзлар «қимматли қозғоларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги 285-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 77-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **6-моддаси ва 13-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбоши ўзбекча матнидаги** «қимматбахо қозғолар» ва «қимматбахо қозғолари» деган сўзлар тегишинча «қимматли қозғолар» ва «қимматли қозғоларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда) **10-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги** «бошқарув компаниялари» деган сўзлар «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги 841-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 6-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданин учинчи қисмидаги** «Қимматли қозғолар ва фонд биржаси тўғрисида» деган сўзлар «Қимматли қозғолар бозори тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданин бешинчи қисмидаги** «ва мувофиқлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **170-модданин биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қозғолар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган шахслардан ташқари, қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади»;

2) **171-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қозғолар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун суд бошқарувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек унда қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган қимматли қозғолар бозори мутахассисининг малака гувоҳномаси бўлиши керак».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) **ўзбекча матнида** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли улар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишмоқда.



СУРАТДА: (чапдан ўнга) умидли спортчи Бердиёр Жарилқасинов, мураббий Сансибой Юсупов ҳамда Ўзбекистон биринчилиги совриндорлари Жулдиз Мустапаева ва Саубет Мирзабеков.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Шу ўринда айтиш лозимки, Юртбошимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу ишларни ташкил этишда ўзига хос дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фахр

Ўтган давр мобайнида жамғарма сайёҳаракати билан ўнлаб спорт мажмуалари бунёд этилди. Уларда бугунги кунда минглаб ёшлар спортнинг ўзлари севган турлари бўйича машғулотларда иштирок этмоқдалар. Шунингдек, жамғарма умумтаълим мактаблари қошида спорт заллари барпо этиш ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлашга ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Натيجида мазкур мактабларда таълим олаётган ёшлар орасидан янгидан-янг иқтидор эгалари кашф этилмоқда.

Нукус туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди 700 нафарга яқин ўқувчи миллий кураш, самбо ва футбол бўйича машғулотларда маҳорат оширмоқда. Бу ерда ўғил-қизларнинг тўлақонли шуғулланишлари учун барча шароит яратилган. Натижда мактаб тарбияланувчилари мамлакат миқёсда уюштирилётган мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишмоқда. Жумладан, шу йилнинг 17-19 апрель кунлари самбо бўйича Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Саубет Мирзабеков бронза медали билан тақдирланди. 2-4 май кунлари пойтахтимиз меҳмонлик қилган мамлакат биринчилигида эса самбочи қиз Жулдиз Мустапаева кумуш медални қўлга киритди.

ШИНАМ ҲОВЛИ-ЖОЙЛАР — ҚИШЛОҚ АҲЛИГА



Мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислам Каримов бошчилигида қишлоқ ҳаётининг яхшилаш, маданиятини янги поғонага кўтаришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилапти. Натижда қишлоқ инфратузилма тармоқлари йил сайин ривожланиб бораёттир. Бунга чекка ҳудудларда ҳам замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолининг табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланаётгани, йўллар асфальтланиб, транспорт ва коммуникация хизматлари такомиллашиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Жараён

Қувонарлиси, бундай ўзгаришлар, айниқса, Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йилида янада кенг қўлоқ ёймоқда. Бу беҳиз эмас. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ тарққиёти топса, юртимиз оқибат, ҳаётиямиз янада фаровон бўлади. Шу кунларда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида давом этаётган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўرғазмасини мазкур ислохотларнинг узвий давоми, дейиш мумкин. Негаки, Давлат дастури ижроси юзасидан ташкил этилган ушбу тадбирда қишлоқ жойларга мўлжалланган дунё андозалари талаблари даражасидаги тураржойларнинг лойиҳалари, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари кенг ҳақда намойиш этилаёттир.

Айтиш мумкинки, кўрғазманинг навбатдаги иш кунга ҳам қизғин кечди. Унинг биринчи ярмида Навоий ҳамда Наманган вилоятлари мейморларининг лойиҳалари намойиш этилди. Навоий вилоятида Президентимизнинг шу йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича 3 та намунавий қишлоқ аҳоли пункти барпо этиш учун 26,3 гектар ер майдони танлаб олинган. Кармана, Нурота ва Қизилтепа туманларидаги мазкур ҳудудларда йил охиригача 150 та тураржой биноси барпо этилади. Кўрғазмага Қизилтепа туманида қуриладиган Малик-обод қишлоқ аҳоли пунктининг лойиҳавий макети кўйилган. Туман марказидан 3 километр узоқликдаги бу жой «Тошкент — Ашқобод» М37 республика аҳамиятига молик йўл бўйидаги ҳудуддан ажратилди. У ўзда озик-овқат ва ноозик-овқат дўконлари, маъий хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ўйингоҳи ва тикувчилик цехини ҳамлаган маҳалла гузарси, 9 та икки қаватли, 54 та бир

қаватли уйдан иборат. Уйларнинг ёпиқ ҳолда лойиҳалаштирилгани иштирокчиларда қизиқиш уйғотмоқда. — Биз минтақанинг жугрофий, геологик ва иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, шу тоифадаги ишланмаларни яратдик, — дейди вилоят бosh архитектори Амин Турматов. — Чунки вилоятда чанг-тўзонли шамол тез-тез эсиб туради. Шунинг учун содда ечимли ёпиқ уй лойиҳаларини ишладик. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки, қурилиш материаллари нисбатан кам ишлатилади. Мана бу 5 хонали уй лойиҳасига эътибор қаратинг. Юк кўтарувчи деворлар шундай жойлашгани, оила ахтиёжидан келиб чиқиб, хоналарга ўзгартириш киритиш ҳам мумкин. Мухими, бу уй икки та оила, аникроги, келин туширган хонадон бир-бирига халақит бермай бемалол яшاشи учун қўлай.

Дарҳақиқат, кўрғазма залларини айланар экансиз, тақдим этилаётган лойиҳалардан унинг қайси воҳага мансублигини дарров пайқаб оласиз. Масалан, Наманган вилояти мутахассислари ер майдонлари иқтисод қилинган ихчам, салқин об-ҳаво шароитига мослаштирилган тураржойлар лойиҳаларини тақриф этишгаёттир. — Корхонамизнинг 18 нафар архитектори томонидан 6 хил уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилди, — дейди Наманган шаҳридаги «Архидизайнлоиҳа» ижодий корхонаси раҳбари Аҳмадjon Қодиров. — Улар орасидан 2 таси амалиётга татбиқ этишга лойиқ, деб топилди.

СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Аҳмадjon СОВВОЛДИ-ЕВ, Тўрақўрғон туманидаги «Қурувчи» хусусий корхонаси раҳбари: — Мамлакатимизда бевосита Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари боис шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Айниқса, жорий йилнинг «Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном-

ланиши бу борада янги-янги имкониятлар яратди. Мана, уч кундирик, пойтахтимизда давом этаётган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмасига таширф бурорувчилар сони тобора қўлаймоқда. Қувонарлиси, кўрғазма нафақат намойиш этиши, балки ўзига хос тахриба алмашиш майдонига ҳам

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусига бағишланган семинари бўлиб ўтди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАДА

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Тадбир ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ҳамхўрлик кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада юртимизда кенг қўламли ислохотлар олиб борилаёттир. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишда болаларнинг, яъни

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсдаги шон-шувратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узок йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда бш авлодин ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта хиссаси учун «Аму-Бухороканалқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўча механизациялашган жамланма экскаваторчиси Тўра Нарзиёвга мамлакатимиз Президентини Фармонига мувофиқ, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

— Бу хушхабарни эшитган заҳоти Тўра ака ва унинг оиласини қутлагани ошқидик, — дейди Жондор туманидаги «Қоровул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рамазон Ҳамроев. — Биз учун муста-

(Давоми 3-бетда).

ЭКСПОРТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда экспорт дастурининг прогноз кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва республикаимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг нарх бўйича рақобатбардошлигини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада шундай юқори ўсишга эришилди.



Бир рақам шарҳи

107,4 фозга бажарилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

- 1) 3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) 17-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 3) VIII бўлимининг номидаги «ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР» деган сўзлар «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4) 50-модда: номидаги «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; иккинчи қисмидаги, учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги ва тўртинчи қисмидаги «қимматбаҳо қоғозлар», «қимматбаҳо қоғозлар» ва «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар тегишсинча «қимматли қоғозлар», «қимматли қоғозлар» ва «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 5) 53-модданинг тўртинчи қисмидаги «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ақциядорлик жамиятлари ва ақциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) 27-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) 41-модданинг ўн биринчи қисмидаги «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 3) 61-модданинг иккинчи қисмидаги «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4) 114-модда биринчи қисмининг: учинчи хатбошисидаги «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин; тўртинчи хатбошисидаги «қимматли қоғозлар» «қимматли қоғозлар» деган сўз билан алмаштирилсин;
- 5) 117-модданинг номидаги ва матнидаги «Инвестиция институтларининг» ва «Инвестиция институтлари» деган сўзлар тегишсинча «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда) 1-илованинг: қирқ учинчи хатбошисидаги «қимматли қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; қирқ тўртинчи хатбошисидаги қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорига профессионал фаолият».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда) 147-моддасининг 26-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26) инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга муқофотлар тўлашга доир харажатлар».

10-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 сентябрь
№ УРҚ-216

Мустақиллик йилларида профессионал парламентни шакллантиришга оид кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, икки палатали парламент тизимига ўтилиши билан қонунларнинг янада мукамаллаштиришига асос яратилди. Айни пайтда парламент ислохоти Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини янада кенгроқ муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, сифатли ва пишиқ-пукта қонунларни тайёрлаш, кенг доирада муҳокама этиш, қабул қилиш, маъқуллаш, имзолаш каби жараёнларнинг янада такомиллаштирилиши мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини бундан-да мустаҳкамламоқда.

ҚОНУНЛАР — РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда парламентимизнинг Қонунчилик палатаси профессионал асосда фаолият юритмоқда. Салкам беш йил вақт мобайнида унинг қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиб, муайян тажрибага эга бўлдилар. Жумладан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўтган давр ичида 70 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Ва уларнинг аксарияти, айтиш жоизки, қуйи палата томонидан қабул қилиниб, Сенатда маъқуллаш, тегишли тарзда тасдиқланб, ҳаётга самарали татбиқ этилаётир.

Қонун ижодкорлиги мурракб ва ўта масъулиятли жараён. Бу жараён ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада тартибга солинмаса, қонунларнинг сифати бўлишига, ўз вақтида қабул қилинишига, уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига эришиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда дастлаб қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларда қонунчилик жараёнининг тартиб-тамоийллари белгилаб қўйилган.

Ушбу ҳуқуқий асослар Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилаётган ҳуқуқий мажмулар лойиҳалари бўйича қўмиталарнинг масъулигини ошириб, депутатлар фаолити юксалишига замин яратди. Қонунчилик палатаси янги йўналишга қиритилган қонун лойиҳаларини урта ўқишдан ўтказиш тартибига шаклланди. Натияжада барча қонун лойиҳаларини мукамал тарзда қабул қилишга эришилмоқда.

Қабул қилинаётган қонунларнинг дастлабки лойиҳасини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритишга чалғувчанлик билан бошқиларни тартибга солишни назарда тутадиган

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунга биноан, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда экспертларнинг фикр-мулоҳазалари муҳим

ни ошириш учун экспертизанинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, 2005 йил июнида Қонунчилик палатаси Қарори билан қўмиталар ҳузурида қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш масалалари бўйича экспертлар жамоатчилиги гуруҳининг таркиби тасдиқланган. Хусусан, қўмитамиз ҳузуридаги экспертлар гуруҳи таркибига мамлакатимизнинг кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлари, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунослар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужжатли суди, Бош прокуратураси ҳамда адвокатлар вакиллари жалб этилган. Ўтган давр мобайнида улар қўмита томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама этишда фаол қатнашиб келишаётир.

Мисол учун, экспертлар гуруҳи аъзоси, Тошкент давлат юридик институти Ҳужалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси профессори О. Оқюлов «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси муdiri, профессор Х. Одилқориев сиёсий партияларнинг ролини ошириш ва

қонунчиликка ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи И. Жасимов эса суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни такомиллаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда ўз тақлифлари билан янги даражада бериб келётир.

Айни пайтда қўмитамиз томонидан қонунлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга доир бир қатор тадбирлар — конференциялар, семинар ва давра сўхбатлари ўтказилди. Уларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашдилар. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида «Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш: илмий-назарий муаммолар ва уларни ечиш йўллари» мавзюида ташкиллаштирилган конференцияда бугунги кунда мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинган эди.

Этироф этиш керакики, ҳозирда қонунлар лойиҳалари муҳокамаида сиёсий партиялар фракцияларининг иштироки тобора такомиллашмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда қонунчилик жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб, Конституцияимизда белгиланган қонун ижодкорлиги жараёнининг барча тартиб-тамоийллари билан боғлиқ меъёрлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Қолаверса, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш қўйи палата депутатларининг қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини оширишга, пировардида, қабул қилинаётган қонунлар сифатининг яхшиланишига замин яратмоқда. Эеро, мукамал қонунлар эл фаровонлигига хизмат қилади.

Собир ЖАБОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ШИНАМ ҲОВЛИ-ЖОЙЛАР — ҚИШЛОҚ АҲЛИГА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу йили қурилаётган Учқўрғон туманидаги Яшиқ, Уйчи туманидаги Жийдақпака, Поп туманидаги Санг, Қосонсой туманидаги Қўқумбой янги қишлоқ аҳоли пунктлари ўрмон ҳўжалар бўйича барпо этилади.

Очиги, бундай замонавий уйларида истиқомат қилаётган одамларнинг турмуш шароити билан шаҳар аҳолисиники ўртасида тафовут қолмайди. Бу уларнинг дунёқарашини, кайфияти ва меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир қўрсатади, албатта.

— Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан яратилган механизмнинг қисёи йўқ, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бош директори Қудратбек Ҳошимбеков. — Чўнки бунда, энг аввало, инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳўқуқлари ифода этилган. Гап шундаки, эндиликда одамлар уй-жой қўраман, деб елиб-югурмайди. Оилавий шароитидан келиб чиқиб, зарур ҳужжатларни тақдим этади, холос. Уй компаниясининг виллоятлардаги филиаллари томонидан тикланиб, тўла тайёр ҳолда топширилади.

ди. Кўрғазмага келган кишилар кўрсатиладиган хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлаётдилар, уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олаётдилар. Бунинг самараси дарров сезилди. Уй-жой қуриш хусусида мурожаат қилувчилар сони кун сайин ортиб бораётти.

Янги уй-жойлар қурилишида унинг экологиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани алоҳида аҳамиятга молиқдир. Ҳовлининг баҳав ва кўркამ бўлишида дархатлар ўзига хос ўрин тутди. Шу боис кўрғазмада манзарали, мевали ва атроф-муҳит ҳавосини тозалаш берадиган ноёб дархат кўчатлари ҳам эътиборда тутилган. У Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалари вазирлиги ўрмон ҳўжалари бош бошқармаси тизимидаги корхоналар томонидан тақлиф этилаётти. Айниқса, «Ободонглобалсервис» корхонасининг кўчатларига кўпلىк буюртмалар тушяпти. Негаки, корхона жамоаси ялон софраси, каштан, облонга арчаси, оққайин, метасеквойя сингари минтақалар учун ноанъанавий дархат ниҳолларини тақдим этмоқда.

Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмаси ўзида қурилишни лойиҳалаштиришдан тортиб, уйни жиҳозлаш, атрофини ободонлаштиришга бўлган барча масалаларни ифода этади. Бу эса унинг нуфузи ошиб, иштирокчилар сафи кенгайишига хизмат қилаётти.

Дарвоқо, кўрғазма жорий йил 7-10 сентябрь кунлари фаолият қўрсатиши белгиланган эди. Амалда ушбу тадбирга бўлган қизиқиш юқори эканлиги, шунингдек, қурилиш тармоғидаги ангилликларни иштирокчиларга чуқурроқ етказиш мақсадида унинг иш кўни 13 сентябргача узайтирилди. Бундан, айниқса, республикамизнинг чекка қишлоқлари аҳолиси хурсанд бўлаётти.

Шунингдек, кўрғазма доирасида виллоятлар ҳўкамларининг ўринбосарлари, архитекторлар, қурилиш, транспорт, коммунал хизмат соҳалари мутахассислари, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туманлар ҳўкамларининг ўринбосарлари, туманлар бош меъморлари аттестациядан ўтказилмоқда. Андиқон, Бўжор, Жizzзах ва Қашқадарёдан келган 24 раҳбар ҳўдим мазкур аттестациядан ўта олмади.

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУМУРДОВ Ёзм обди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Қолаверса, болалар ва ўсмирларнинг таълим-тарбиясига, яъни ҳуқуқий саводхонлик даражасига эътиборни қучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва спорт билан шуғулланишларини намунали ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ҳақида

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАДА

сўз борган семинарда мамлакатимиз ёш авлодининг ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид қирқдан ортиқ халқаро ҳўжатларнинг иштирокчиси эканлиги алоҳида кайд этилди.

Дарҳақиқат, республикамизда болаларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳўқуқбузарликнинг олдини олиш тизимидаги кенг қўламли ислохотлар ҳам оқсак самара бераётти. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, 2008 йилда қабул қилинган «Бола ҳўқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам болалар ҳўқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Семинар ишида маҳаллий ҳўкимиятлар ҳўзуридаги воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг болаларнинг ҳўқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида амалга ошираётган ишлари, шу билан бирга, прокуратура, ички ишлар органларининг ҳам бу борадаги фаолияти тўғрисида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Қизгин муҳокама жараёнида бола ҳўқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУМУРДОВ Ёзм обди.

лаётти. Жумладан, Самарқанддаги маиший музлатқин ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сино» очик ақциядорлик жамияти фаолияти тўздан такомиллаштирилди. Бунинг натижасида ҳавонинг озон қатламга зиён етказувчи моддалар истеъмол кескин камайди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган экологик безарлар, экспорт-радианг маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Семинарда тадбирда иштирок этаётган мамлакатларда озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар самараси, бу борадаги илгор тажрибалар атрофида таҳлил этилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

Зийда АШУРОВА.

СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

айланган. Тақдим этилаётган лойиҳаларнинг ҳар бири ўзига хос.

Биз шу пайтгача, асосан, мактаблар қурилишида иштирок этган бўлсак, жорий йилда уй-жойлар барпо этилиши мақсадида ўтказиладиган тендер танловларида қатнашиш ниятидамыз. Шу боис кўрғазмада тақдим этилаётган янги лойиҳалар билан янгидан танишяпмиз. Уйлайманки, бундай масъулиятли ва шарафли ишларга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Фазлидин ЭШИМАТОВ, Избоскан туманидаги «Лугумбек тоғи» фермер ҳўжалиги раҳбари: Кўрғазмадаги тураржойлар лойиҳаларини кўриб, тўғриси, хайратландим. Яқин кўнларда қишлоқларимизда бу каби кўркам ва чиройли уй-жойлар барпо этилиши бизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ахир бундан ўн беш-йигирма йиллар аввал бундай уйларида яшашни фақат орзу қилиш мумкин эди.

Мустақиллик бизга шундай имконият берди. Бу ҳўқуматимиз томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган савий-харакатларнинг амалдаги ифодасидир.

Қаранг, бу ерда тавсия этилаётган лойиҳаларда шаҳарниқидан қолишмайдиган шароитлар мўҳайё этилган. Айниқса, уларнинг ҳар бир виллоят, ҳар бир туман иқлим шароитидан келиб чиқиб яратилгани, ўз эгасига барча жиҳозлар билан тўлдирилган ҳолда топширилиши ҳамда уларга турли имтиёзлар берилаётгани диққатга сазовордир.

Бугун фермер ҳўжаликлари Президентимизнинг ғамхўрлиги остида тобора ривожланиб бормоқда. Буни ушбу тармоқнинг ҳар бир вакили жуда яхши ҳис қилиб турибди. Юртбошимиз қайси бир виллоятга таширф буюрмасин, аввало, ўша ерлик аҳоли-

нинг, шу жумладан, фермерларнинг ҳам турмуш тарзи билан қизиқади. Хусусан, жорий йилнинг 2 июлида Наманган виллоятида бўлганда, қишлоқ мулкдорлари билан учрашиб, бугунги фермер яхши ишлаши ва яхши яшашини, турмуш шароитини дунё андозалари даражасига олиб чиқиши лозим, деб таъкидлагандилар.

Ҳақиқатан ҳам, давримизнинг илгор вакилига айланаётган фермерлар бунга муносибдир. Кўрғазма эса биз учун ана шундай қулайликларни ўзида мўжассам этган замонавий уй-жойлар лойиҳаларини танлаш имкониятини яратиб берди.

Кўрғазмада мутахассислар ўзларининг лойиҳаларини тақлиф этиш бораберида, ҳар бир кишининг бу борадаги фикрини биллишига, тақлифларини эшитишга ҳаракат қилишаётгани эса бизни қувонтирди.

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУМУРДОВ Ёзм обди.

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, музлатқин техникасида фойдаланиш, ўт ўчириш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, электрон санаоатда олфторт углёрдорлар туркумига кирувчи кимёвий моддаларни ишлаши озон қатламининг емирилишига сабаб бўлади. Бу муаммонинг олдини олиш мақсадида 1985 йилда дунёдаги 147 мамлакат иштирокида Вена конвенцияси қабул қилинган эди. Икки йил ўтгач, бу борада Мон-

реаль протоколи имзоланди. Ушбу ҳўжатларда озонни емирувчи моддалар ишлаб чиқаришни кескин камайтириш ва аста-секин тўхтатиш кўзда тутилган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Глобал экологик жамғарма дунёнинг 18 мамлакатига йигирма олти миллий ва ҳудудий лойиҳани амалга оширмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон, Украина, Россия ва Қозғистонда

Глобал экологик жамғарма гранти асосида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар натижасини баҳолаш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда мазкур мамлакатларнинг тегишли давлат ташкилотлари вакиллари, илмий тадқиқот институтлари олимлари, Жаҳон банки ва БМТнинг Ривожланиш дастури мутахассислари иштирок этди.

Глобал экологик жамғарманинг лойиҳаларни баҳолаш бошқармаси бошлиғи Дэвид Тодд Ўзбекистон озон қатламини ҳимоялашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни юқори даражада ижро этаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу тадбир мамлакатимизда ўтказилиши ҳам бунинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Умаров Прези-

дентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, озон қатламини ҳимоялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган миллий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар бажари-

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУМУРДОВ Ёзм обди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тўфон кучаймоқда

Атлантика океанида кузатилаётган "Фред" тўфонининг тезлиги соат сайин кучайиб бормоқда.

"Рейтер" агентлиги хабарига айтилишича, табиий офат hozirda Африка қитъасидаги Кабо-Верде мамлакатидан 715 километр узоқликда ҳаракатланмоқда. Кучли бўрон сабаб тўфон тезлиги соатига 120 километрга етган. Шу боис океанга яқин ҳудудларда яшовчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилган.

Эслайтиб ўтамиз, Атлантикада тўфонлар мавсуми 1 июнда бошланганди.

Китоблар бепул тарқатилди

АҚШнинг Массачусетс штатидаги Кушинг коллежи кутубхонасида ярим аср мобайнида тўпланган 20 минг дона китоб талабаларга бепул тарқатилди.

"Бостон Глоб" газетасида ёзилишича, мазкур кутубхона тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий ўқув марказига айлантирилди. Шу сабабли, китоблардан воз кетишга мажбур бўлинган. Бироқ эътиборли жиҳати,

яқин кунлар ичида бу ердаги китоблар ўрнини уларнинг электрон нусхалари эгаллайди. Коллеж директори Жеймс Трейсининг таъкидлашича, фақат жуда ноёб саналган ўн мингга яқин китоб олиб қолинган.

Долзарб мавзулар рўйхати

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти умуҳаборот департаменти бутунжаҳон журналистларига муурожаат билан чиқди.

Яъни, департамент "тўртинчи ҳокимият" вакиллариغا ОАВ эътиборидан четда қолаётган мавзулар рўйхатини тақдим этган. "ИТАР-ТАСС" хабарига келтирилишича, журналистлар ўз фаолиятлари давомида озик-овқат маҳсулотлари сифати, иқлим ўзгариши муаммолари, одам савдоси, гийёҳанд моддалар ва қурол-ароғ олди-сотдиси каби мавзуларга кўпроқ эътибор қаратишлари лозим.

БМТ матбуот хизмати томонидан таъкидланишича, бу мавзулар нафақат бир мамлакат тақдири, балки дунё халқларининг турмуш тарзини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Нефть нархи ошмоқда

Жаҳон савдо бозорларида нефть нархи яна кўтарилди.

Бу ҳақда "Финмаркет" наشري хабар тарқатди. Яъни, ҳам ашё биржаларидаги сўнги савдолар чоғида унинг бир баррели 70 АҚШ долларига баҳоланган. Эътиборли жиҳати, "қора олтин"га АҚШ ва Европа бозорларида талаб ошиб бормоқда. Хусусан, Нью-Йорк савдо биржасида октябрь ойи учун "WTI" типидagi нефтни ётказиб бериш 70,72 АҚШ долларига баҳоланган. Бу ўтган ойга нисбатан юқори кўрсаткичдир.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат нефть бозорининг барқарорлашувига олиб келиши мумкин экан.

20 метрлик пирог

Грециялик ошпазлар "Гиннеснинг Рекордлар китоби"га кириш мақсадида узунлиги 20 метрга тенг олмали пирог пиширишди, дея хабар тарқатди "Афина" ахборот агентлиги.

Улкан ширинликнинг оғирлиги 333 килограммга тенг. У махсус ясалган печда беш соат мобайнида пиширилди. Айни пайтда рекордни кайд этиш учун Лондонда фаолият кўрсатадиган ҳакамлар ҳайъатига ёзма ахборот юборилган.

Ғарбий Африкада сув тошқини

Ғарбий Африка мамлакатларида рўй берган сув тошқини катта кўнгилсизликларни келтириб чиқарди.

"Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, табиий офат 159 кишини ҳаётдан олиб кетган. Тошқиннинг келиб чиқишига июнь ойидан буён кузатилаётган тинимсиз ёгингарчиликлар сабаб бўлган. Айни пайтда БМТнинг инсонпарварлик гуруҳи жаҳон ҳамжамиятидан "қора кит"нинг 16 давлатига ёрдам кўрсатишни сўраган. Ҳозирда тошқиндан азият чеккан мамлакатларга озик-овқат маҳсулотлари жўнатишмоқда. Жумладан, Буркина-Фасо, Нигер, Мавритания каби давлатларга дастлабки инсонпарварлик ёрдамлари ётказиб берилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳалла раисининг фахрлини айтган бу сўзлари беҳиз эмас. Жондорликлар Тўра Нарзиёв хондонини тумандаги энг намунали, аҳил, ибрат олса арзигулик оила сифатида билишди. Оила аъзолари жамоат ишларида фаол. Қувонч ва ташвишларини эл би-

ҳаловат нелигини билишмайдилар. Халол меҳнат қилишди. Машаққатлардан чўчишмайдилар. Бир пайтлар акиси Камолга эргашиб, экскаваторчиликни танлаган қаҳрамонимизнинг тархимаи ҳолидаги бир жиҳат эътиборни тортмай қўймайдилар. У мана, 35 йилдирки, битта жамоада меҳнат қилиб келаяпти. Очиғи, дунёда осон касбнинг

Д. Ҳайитов. — Айниқса, тупроқ қатламида қаттиқ жисмлар дуч келганда экскаваторни ўта моҳирлик билан бошқариш талаб этилади. Ана шундай паллаларда Тўра аканинг тажрибаси қўл келади. Кейинги йилларда ҳуқуматимиз экин майдонларининг мелiorатив ҳолати масаласига жуда катта эътибор қаратмоқда. Бу

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

лан баҳам кўришга одатланишган. Тўра ака турмуш ўртоғи Хосият опа билан икки ўғил, тўрт қизни оқ юзиб, оқ тараб воғга етказди. Тўнғич ўғли Муҳиддин ота касби — экскаваторчиликни танлади. Нурали эса Жондор кишлоқ ҳўжалиги касб-хўнал қоллежи ўқитувчиси. Қизлари ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишган.

— Экскаваторчи бўламан деганимда, очиги, айрим синфдошларим ҳайрон қолишганди, — дея болалигини эслайди Тўра ака. — Бундоқ ўйлаб қарасам, ўшанда аддашмаган эканман. Ҳозир дунёда мендан бахтли инсон бўлмас керак. Меҳнатимни юксак кадрлаган Президентимиз, давлатимиздан чексиз миннатдорман...

Тўра аканинг камтарлиги, соддалиги, камгаплиги, ўз касбига меҳр кўйгани шундоқ сезилиб туради. Одатда бундай инсонлар

ўзи йўқ. Донишмандлар айтганидек, машаққатсиз роҳат бўлмайди. Шунақа қарамай, экскаваторчиликнинг бир неча нозик жиҳатлари ҳақида тўхталмасдан ўта олаймиш. Бу касб эгасига одатда уйдан юзлаб чакирим олисда ишлашга тўғри келади. Кимсасиз, чанг-тўзонли саҳрода канал қазиш, зовуру коллекторларни тозалаш осон юмуш эмас. Ёзининг жазирамга иссиғида кум барханлари кўксини ёриб, мелiorация иншоотини барпо этиш учун сабртоқат, чидам ва бардош, қатъият кирфоя эмас. Чинакамига фидоийлик керак Тўра акада ана шу фазилатларнинг барчаси бор. Бу — 4-кўчма механизациялашган жамланма мутахассисларининг фикри.

— Каналларни қазиш, улар ўзанини кенгайтиришда ҳам иш кўзини билиш керак, — дейди жамланма ишчиларидан бири

ўринда Президентимизнинг "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорини эслашнинг ўзи кирфоя. Мазкур дастурга кўра, Бухоро вилоятида ҳам туманлараро ва ҳўжаликлараро коллекторларни таъмирлаш, янги захкашлар қазиш босқисига катта ҳажмдаги ишлар ба-жарилмоқда. Шу мақсадда республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг

— Умрим зое ўтмаётганидан, эл-юрт назаридаги инсон эканимдан гурурланаман, — дейди қаҳрамонимиз. — Каналларни тўлдириб сув оқайтуришга кўзим тушса, алланечук бўлиб кетаман. Рухим энгил тортади. Чарқоқни унутаман. Бозорларимизнинг тўкинлигини, ҳаётимизнинг фаровонлигини, жиндек бўлса-да, ҳиссам қўшиганини ўйлаб, кўнглимда шукроналик туяман. Меҳнатда ҳузур-ҳаловат излаб асло кам бўлмайди. Ёшларга ҳам айтганим сўзим шу: эл ардоғида яшай десангиз, ҳаловатни меҳнатдан изланг.



Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

АНДИЖОН. Хонободаги "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари тобора хари-доргир бўлиб бормоқда.

Маҳсулотга хориж харидор

Жамоа жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида хорижга 10 миллион АҚШ долларидек маҳсулот экспорт қилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технологиялар самараси

ФАРФОНА. Қувасойдаги "Фарводий Агросервис" фирмасида кўзиқорин етиштириш йўлга қўйилди.

Бунинг учун хориждан 120 минг АҚШ доллари миқдорига замонавий технологиялар олиб келинди. Эътиборли томони шундаки, етиштирилган кўзиқориннинг бир қисми корхонанинг ўзида консерва қилинмоқда. Жамоа жорий йил охирига қадар эл дастурхонига 16 тонна парҳез маҳсулот тортиқ қилишни режалаштирган.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштириш, уларнинг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлаб чиқилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида соҳада кўплай ижобий ўзгаришларга эришилаётган. Қувонарлиси, ана шу муваффақиятлар, янгилишлар аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, республикамиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида ўз самарасини кўрсатаётган.



ПЛАСТИК КАРТОЧКА БОЗОРДА ҲАМ ИШЛАТИЛМОҚДА

— Ҳозирги кунда туманимиздаги 227 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти-да 244 та терминал ўрна-тилган бўлиб, уларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда, — дейди Учтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси хо-дими Хусан Носиров. — Агар эътибор бе-радиган бўлсак, шу кунгача тер-миналлар фақат-гина Йирик-Йирик супер-маркетларда, автомобил-ларга ёниги қўйиш шохоб-чалари ёки бошқа айрим тармоқ савдо дўконларида-гина мавжуд эди. Эндилик-да пластик карточкалардан бозорларда ҳам фойдала-ниш мумкин. Гал шундаки, яқиндан бошлаб кўмитамиз ташаббуси билан биринчи бўлиб пойтахтимизнинг энг йирик бозорларидан бири — "Фарход дехон бозори"-да терминал орқали савдо қилиш имконияти яратилди. Ҳозирда ушбу терминаллар мунтазам ишлаб турибди. Айни пайтда юртимиз бозорларининг барча рас-

талари турли-туман маҳсу-лотлар билан тўла. Бирида ҳўл ва қуруқ мевалар чи-ройли қилиб териб қўйил-ган бўлса, бошқасида гўшт, яна бирида полиз ва саб-завот маҳсулотлари сотил-моқда. Хуллас, эҳтиёжингиз тўлиқ қондирилади. Ёнин-гизда пластик карточка бўлса янада яхши. Сотувчи билан сониялар ичида ҳисоб-ки-тоб қилиш баробарида маҳ-сулотни нисбатан арзон нархда сотиб оласиз. Са-баби...

— Сабаби, биз маҳсулот-ларни фермер ҳўжалик-лари билан тузилган шартно-малар асосида тўғридан-тўғри дала бошидан олиб келамиз, ўртада воситачи йўқ, — дейди бозор ичида фаолият юритаётган "Сав-

қилоқ ҳўжалиги маҳсулот-лари келтиряпмиз. Бун-гунги кунда корхонамиздаги тўртта терминал истеъ-молчилар ихтиёрида. Уларнинг ҳар биридан ку-нига ўртача 250-300 минг сўм атрофида савдо қи-ляпти.

— Ўғлимда пластик кар-точка бор, — дейди бозор-даги "Ал-Аҳмад ота" ху-су-сий фирмасидан савдо қи-лаётган харидор Муқад-дас Отажонов. — Аввали-га кўниқолмай юридик. Қарангки, бугун у бизнинг кундалиқ ҳаётимизга кириб келди. Муҳими, пластик карточканинг бўлса, ишин-гиз ҳам тез битади. Ортик-ка пул кўтариб юрмайсиз. Уни бозорларда ҳам ишла-тиш мумкинлиги эса янада маъқул бўлмоқда.

Бозор юрт ободлиги, эл маъмурчилиги кўзгу-сидир. Унда яратилган шарт-шароитлар қаторига терминаллар орқали савдо қилиш тизимининг йўлга қўйилиши эса ана шу ободликнинг, иқтисодий тараққиётнинг яққол ифодасидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА ИМТИЁЗ

Истиқлол йилларида ёшларимизнинг қобилият ва интилиши, мақсад ҳамда ғояларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорини кенг намоён этишга хизмат қиладиган кўплай ташкилот ва жамғармалар ташкил қилинди. Натжидада йигит-қизлар истеъдодини нуносиб рағбатлантиришга қаратилган турли грантлар, стипендиялар жорий этилмоқда.

Хусусан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари ҳамкорлигидаги "Таълим грантлари дастури" лойиҳаси ёшларга моддий ва маънавий қўмак беришда муҳим аҳамият касб этаётган. Зеро, аксарият ёшларимиз мазкур жамғармалар гранти асосида ўқув масканларида имтиёзли асосда таълим-тарбия олиш имконига эга бўлмоқдалар. Эътиборлиси, таълим гранти совриндорлари сафи йил са-

йин кенгайиб бормоқда. Масалан, дастлабки танловда 28 нафар йигит-қиз грантни қўлга киритган бўлса,

Ғамхўрлик

ўтган йили голиб иштирокчилар сони 62 нафарни ташкил этди. — Жорий йилда грантлар учун танлов ҳар қачонгидан ҳам қизиқарли ўтмоқда, — дейди "Келажак овози"

ёшлар ташаббуслари маркази мувофиқлаштирувчиси Ориф Назаров. — Қувонарлиси, лойиҳада қатнашган ёшлар ноёб истеъдод ва қобилиятларини намоён этибгина қолмай, ўз ғоя ва ташаббусларини амалиётга татбиқ қилиш имконига ҳам эгадирлар.


Бу галги таълим грантига минг нафарга яқин талабгор ҳужжат топширди. Ҳайъат аъзолари энг нуносиб номзодларни суҳбатдан ўтказиб, уларнинг билими, етакчилик қобилияти, танлаган соҳасига лаёқати қай даражада эканлигига эътибор қаратмоқдалар.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭН ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзоеи, Ц.даҳоқи, 6-й. Мўлжал — «Шукрат» дўкони жойлашган чорраха.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўйидаги ихтисосликлар бўйича 2009 йил учун АСПИРАНТУРАГА КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.



Хужжатларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 10 сентябрдан 10 октябргача. Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга муурожаат қилинг: Тошкент ш., 100000, Х.Орипов кў., 16-ўй. Телефонлари 237-52-91, 237-48-42.

Товар сертифицирован

INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL

... от карманных компьютеров до серверов...

3 Технологии, обеспечивающие уверенность

Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

«С» ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»

ПРЕДЛАГАЕТ

НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ.

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет, www.pipeline.uz

Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амира Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛЭЗ».

Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-10-99, e-mail: sedou2008@yandex.ru

"O'zgaloyiha" масъуляти чекланган жамияти жамоаси жамият раҳбари Қодиржон Қосимова акиси

Маҳаммаджон ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — Германия "Савдогар" очик акциядорлик тижорат банки жамоаси ички хавфсизлик бўйича бош мутахассис

Рустам Садуллаевич НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедраси доценти Гаваҳаржон Юлдашевга онаси

Бибиҳожар МАТНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси институт хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ботаника, физиология ва микробиология кафедрасининг доценти Нафиса Тошматовна турмуш ўртоғи

Ҳайдар ТОШМАТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар билан Андижоннинг Шахрихон туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда уюштирилган адабиёт байрамида иштирок этдик. Утказилган бу тадбир баҳонасида Андижоннинг кўркам ва обод масканга айланиб бораётганини кўриб қувондик. Шаҳардаги барча марказий кўчаларнинг атрофи гулзор, дарактзор, тоза, озода, сув сепиб, чиннидай қилиб қўйилган, бахридилнинг очилиб, яйраб кетасан.

Эрталаб Шахрихоннинг Ёрқент кўчасида янги қуриб битказилган мактаб-боғча мажмуида бўлди. Бу кўркам иншоот 216 ўринли мактаб ва 120 ўринли боғчадан иборат бўлиб, мактаб хоналари бежирим, ораста, шинам, замонавий жиҳозланган. Мажмуани тadbиркор Отабек Саматов бошчилигидаги жамоа қисқа муддатларда рисоладагидек қуриб берибди.

Ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда туманимизга 1 миллиард 580 миллион сўмлик чет эл инвестицияси жалб қилди, — дейди у. — Шу тариқа бу ерда мактаб-боғча биноси қад ростлади.

Ижодкорлар билан ҳассос шоир Оразийнинг қабрини зиёрат қилдик. Зиёратдан кейин шоир музейига бордик. Муқимий, Фурқат, Завқий, Ғайратий каби оташнафас шоирларга замондош ва издош бўлган бу маърифатпарвар ижодкордан маънавиятимизга мерос сифатида кўп асарлар қолган ва шу кунларда у китоб ҳолида чоп этилган.

Туманининг истироҳат боғида пойтахтдан келган таниқли адиблар, водийнинг кўзга қўринган ижодкорлари, шунингдек, Наманган, Фарғона, Андижондан тўплаган ўттиздан зиёд ёш ижодкорлар иштирокида мушоира ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг она замин, Ватан тўғрисида чакмоқдай сатрлар битаётгани, бурро-бурро шеърлар ўқийётгани ҳаммада хушайфат уйғотди. Мушоирада мухтарам Президентимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келахатга эътибор" мазмундаги фикр-мулоҳазаларидан ижодкорлар илҳомланганликлари бот-бот айтиб ўтилди.

Андижон кейинги йилларда

Андижон: ЯНГИЛАНАЁТГАН ВА ЯШНАЁТГАН ЗАМИН



шитоб билан ўзгариб бормоқда. Бу гўшада қурилган, қуриб битказилаётган ўнлаб иншоот ва бинолар ўзининг кўркамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳар марказидаги эски, шаҳар хусусини бузиб турган бинолар хусусий тadbиркорлар томонидан қайтадан қурилиб, савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш корхоналари, ошхона, тўйхона, спорт иншоотларига айлантирилмоқда.

Авалги сафарларимизда Бобур ва Комил Яшин шоҳқўчалари кесилган жой — Сарбонтепа қаровисздай кўринган эди. Бугун худди ўша жойда "Тожмаҳан"

меҳмонхонаси бунёд этилибди. Муҳташам бино, чор-атрофи кўкаламзорлаштирилган, фавворалар отилиб турибди. Яқинда 500 ўринли "София" тўйхонаси, хашаматли "Шинам" қурилиш жиҳозлари дўкони ва ишлаб чиқариш корхонаси қурилиб, ишга туширилибди. Сафардошларимиз қўришга иштиёқманд бўлган "Болалар шаҳарчаси"ни томоша қилганимизда кўнглимиз тоғдай кўтарилди. У шаҳар ичидаги дилбар, меҳмуруватта кон шаҳарча экан. Беш ярим гектар майдонда жойлашган шаҳарчининг 14 та биноси,

10.160 кв.м.ни ташкил этаркан. Бозорда шу пайтгача 800 савдо ўрни бўлган бўлса, эндиликда 1200 тага етказилибди. 165 та дўкон қурилган, чор-атроф оבוד, кўкаламзор. Шарқираган фавворалар бозорга кўрк бериб турибди. Мутахассисларнинг айтишича, бозорни қайтадан қурган "АРК — ҳамкор-қурилиш" хусусий корхонаси шу кунгача 2 миллиард 880 миллион сўмлик иш бажарибди. Янгибозор йўлида қад кўтарган 6 қаватли янги туракжойлар диққатимизни тортиди. Хар бири 24 хонадондан иборат учта уйнинг 2 таси Мустақиллик байрами кун-

Ифтихор

лари фойдаланишга топширилибди. Хонадонларга кирдик. Юқори қаватларга чиқишга мулақо қўйналмай-сиз, лифтлар хизматингизда. Тўғриси, илгари шаҳардаги энг улкан иншоотлардан бири — "Ешлар маркази"нинг довуғини эшитгандигу, кўзимиз билан кўрмаган эдик.

Ушбу марказнинг остки қаватида бир йўла 700 нафар бола шуғулланадиган кўплаб спорт тўғраклари, жисмоний имконияти чекланганлар учун машғулот заллари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, диско-тека клублари жойлашган. Марказнинг биринчи қаватида 800 ўринли тантаналар зали, никоҳ ўйи, гўзаллик салонлари бор. Мажмуа раҳбари Абдувоҳид Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, бу ерда турло семинар-тренинглари, ёшлар фестиваллари, Президент арчаси сингари турли тadbирлар ўтказиларкан. Иккинчи қаватда эса "Иқбол-таълим" ўқув маркази фаолият кўрсатяпти. Унинг директори Ўқтамжон Охуннов марказ бир вақтнинг ўзида 20 йўналишда машғулотлар олиб бориши мумкинлигини айтди. Бундан ташқари, бинода 2 та ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди. Учинчи қаватдаги боулинг зали қизиқарли спорт тури ишқибозлари билан доимо гавжум. Туртинчи қаватда кичкинтойлар кечкурунлари ҳар хил аттракционларда хордик чиқаришади, эртақлар оламига саёхат қилишади.

Етти миллиард сўм маблағ эвазига қуриб битказилган "Ешлар маркази" бугунги кунда вилоят ёшларининг севимли масканига айланиб улгурибди. Кўрганга нима етсин, дейди халқимиз. Зеро, Истиклол туфайли Андижон янада обод ва кўркам вилоятга айланиб бораёпти. У тобора янгиланаёпти, яшнаяпти. Истиклолнинг гул фаслида беназир ва ўзига хос чирои очаяпти.

Собир ҲАРА

Байдарка ва каноэ ҳамда академик эшак эшиш Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган оммавий спорт турларидан биридир. Мамлакатимизда спортнинг ана шу ўзига хос турини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада юртдошларимизнинг турли халқаро турнирлардаги муваффақиятлари йилдан-йилга яхшилланиб бормоқда.

САМАРҚАНД СУЗИШ ҲАВЗАСИ

жаҳондаги энг замонавий спорт мажмуаларидан қолишмайди

Эшак эшиш бўйича Самарқанд бош спорт базаси Марказий Осиёдаги ягона сув спорти ҳавзаси ҳисобланади. Бу иншоотнинг умумий майдони 84,47 гектардан иборат. Асосий каналнинг узунлиги 2215 метр, кенлиги 130 метр, чуқурлиги эса 3,5 метрни ташкил этади. Канал киргоқлари ва туби гидроизоляция бетон билан қолланган. Бу сув сатҳини йил давомида бир меъёрда сақлаб туриш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сув ҳавзаси халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши ва аҳамияти бўйича дунёдаги бешта йирик каналлар қаторидадир. Шу жиҳатдан у Мюнхен (Германия) ва Москва (Россия)даги шундай каналлардан кейинги ўринни эгаллайди.

Хозиргача бу ерда Осиё ва Европа мамлакатлари спортчилари иштирокида кўплаб йирик мусобақалар ўтказилди. 2007 йилда Халқаро эшак эшиш федерацияси президенти Ульрих Фельхофф бу ерда бўлган чоғида, спорт иншоотининг имкониятларига юқори баҳо бериб, иқтидорли спортчиларни тайёрлашда мазкур мажмуанинг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаган эди.

Яна шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Тайлоқ Олимпия захиралари коллежининг эшак эшиш бўйича бўлими ўқувчилари амалий машғулотларни айнан Самарқанд эшак эшиш каналда

ўтказишади. Бугунги кунда коллежнинг кўплаб ўқувчилари Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қабул қилинган бўлиб, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишяпти. Масалан, ўтган йили Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида коллеж спортчилари мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Айниқса, Мухаммади Мардонов ва Фирдавс Мулложонов академик эшак эшиш борасида анча маҳоратли эканликларини амалда исботлашди.

Жорий йил бошидан ушбу спорт иншооталабларга тўлиқ жавоб бериши ва аҳамияти бўйича дунёдаги бешта йирик каналлар қаторидадир. Шу жиҳатдан у Мюнхен (Германия) ва Москва (Россия)даги шундай каналлардан кейинги ўринни эгаллайди.

Хозиргача бу ерда Осиё ва Европа мамлакатлари спортчилари иштирокида кўплаб йирик мусобақалар ўтказилди. 2007 йилда Халқаро эшак эшиш федерацияси президенти Ульрих Фельхофф бу ерда бўлган чоғида, спорт иншоотининг имкониятларига юқори баҳо бериб, иқтидорли спортчиларни тайёрлашда мазкур мажмуанинг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаган эди.

Яна шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Тайлоқ Олимпия захиралари коллежининг эшак эшиш бўйича бўлими ўқувчилари амалий машғулотларни айнан Самарқанд эшак эшиш каналда

Спорт иншоотида капитал реконструкция ишларининг иккинчи босқичи келгуси йилда амалга оширилади. Унда асосий ва айланма каналларнинг киргоқлари ва туби тўлиқ таъмирланади. Иншоот худуди ободонлаштирилади. Машқлар бажариладиган сув ҳавзалари ва сув босими минораси тикланади. Шунингдек, спорт мусобақалари учун тассалар тикланиб, ҳакамларга мўлжалланган махсус минораларда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Қисқача айтганда, спорт базасининг янада тўлақонли фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилади.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтнинг Бектемир туманида Телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи фаолият бошлади.

Мамлакатда ягона

Мамлакатимизда ягона бўлган мазкур билим маскани телевидение ва радио соҳасида мутахассислар қатлими билан таъмирлашга икти-сослашган бўлиб, унга янги ўқув йилида режа асосида 300 нафар ўқувчи-ёшлар қабул қилинди.

Коллеж биноси "Умумқурилиш сервис" хусусий иш-

лаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилди. Ўқув масканида катта ва шинам фаоллар зали, компьютер, лингафон, маънавият ва маърифат хоналари, лаборатория, тўртта махсус ўқув хонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт зали мавжуд.

М. ҲОТАМОВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

Милан (Италия) шаҳрида бокс бўйича давом эътибор жазон чемпионатида яна уч нафар вақилимиз чорак финалга йўллана олди.

Навбатдаги кунги беллашувларда рингда чиққан Баҳодиржон Султонов (57 кг.) польшаллик Мичак Чудекини 15:6 ҳисобида мағлубиятга уратди. У энди туркиялик боксчи Керем Гурген билан ярим финалга чиқиш учун кураш олиб боради. Аббос Атоев (75 кг.) чорак финал учун кенган баҳсда бразилиялик Ямагучи Флорентинони 8:3 ҳисобида енгди. Унга кейинги босқичда германиялик "нари кўлоп" устаси Константин Буга рақиб бўлади. Рамзжон Аҳмедов (91 кг.) венгриялик Йозеф Дармосни 13:10 ҳисобида доғда қолдириб, чорак финал йўлланмасига эга бўлди. Рамзжон кейинги жангини франциялик Жон М'Бумба билан ўтказди.

Афсуски, ёш иқтидорли боксчиларимиз Шахриёр Исоқов (51 кг.) ва Санжарбек Раҳмонов (64 кг.)да рақиблари устидан зафар қунишда бир оз тажриба ва омад етишмади. Шахриёр таиландлик Амнаж

Руенроенга (3:10), Санжарбек эса америкалик Франки Гомеса (10:19) имкониятни бой берди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан олти нафари медаллар учун курашини давом эттириш курашини кўлга киритишди. Бундан олдин Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) ва Элшод Расулов (81 кг.) ушбу босқич йўлланмасига эга бўлишганди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, чорак финалга Россия ва Куба терма жамоалари 9 нафардан боксчи билан етиб келишди. Ўзбекистон терма жамоаси 6 нафар боксчи билан учинчи ўринда қайд этилган. Шунингдек, чорак финални Германия ва Украина 5, Хитой 4, Италия, Козогистон, Ирландия ва Мўғулистон терма жамоалари 3 нафардан боксчи билан давом эттиришди.

Жаҳон чемпионати қолиб-лари номи 12 сентябрь кунини маълум бўлади.

Шу йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Мисрда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида XVII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

КАТТА СИНОВ АРАФАСИДА

Унда дунёнинг 24 та энг кучли терма жамоаси қолибди. Улар орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам бор. Юртдошларимиз "D" гуруҳида Гана, Уругвай ва Англия терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун ўзаро куч синнашадилар.

Ўзбекистон футбол федерациясининг мажлисларида терма жамоамизни мундиалга кўзатишга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари номидан сизларга яна бир бор катта раҳмат айтмоқчиман, — деди тadbирдор сўзга чиққан УФФ президенти Мираброр Усмонов. — Бош мурабий Аҳмад Убайдуллаев

бошчилигида Осиё чемпионатида чиройли ўйин намойиш этиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритганимизда барчамиз қувонгандик. Гапнинг сирасини айтганда, шунинг ўзи ҳам катта ютуқ. Аммо бу сизлар учун сўнги марра бўлиб қолмаслигига умид қиламиз.

Таъкидлаш лозимки, ёш футболчиларимиз жаҳон чемпионатининг финал қисмида муваффақиятли иштирок этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Қатар, Австрия, Озарбойжон, Германия, Испания ва Англия каби футбол тараққий этган давлатларда ўқув-йиғин машғулотлари ташкиллаштирилди. Тан олиш керак, шу пайтгача бирорта терма



жамоамиз учун бундай имкониятлар яратиб берилмаган эди. Бундан қўзғалган асосий мақсад, Ўзбекистон футболини янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлашдан иборат.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати арафасидаги сўнги ўқув-йиғин машғулотини 10-22 сентябрь кунлари Испанияда ўтказди. Йиғин доирасида Коста-Рика ва Гондурас ёшлар терма

билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушадилар. Шундан сўнг вақилиримиз Испаниядан тўғри Мисрда йўл олади.

Жаҳон чемпионати гуруҳ босқичидаги биринчи ўйин 26 сентябрь кунини Гана ёшлар терма жамоасига қарши ўтказилади. Нуфузли мусобақада ёш футболчиларимизга омад тилаймиз.

Эйдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.



Бош соврин «Металлург»да

Урганч шаҳрида мотокросс бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада кўп қарра мамлакат чемпиони Навоий кон-металлургия комбинатининг "Металлург" клуби спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритдилар.

Жамоа муваффақиятига Евгений Заднов, Олег Фролов, Алексей Заднов ва Шаҳзод Аҳмадов сингари мотокросс усталари муносиб улуш қўшдилар.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах шаҳрида 15-16 ёшли маҳалла ўсмирлари ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг минтақавий саралаш босқичи якунланди.

Саралаш босқичи якунланди

Унда майдон эгаларидан ташқари, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган ёш футболчилар жамоалари иштирок этишди.

Мусобақада Жиззах ҳамда Фарғона вилоятининг футболчилари голиб чиқишиб, шу йилнинг 24-26 сентябрь кунлари пойтахт стадионларида ўтказиладиган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (10 сентябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради. Ёнгиғарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. **Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. **Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёнгиғарчилик кузатилмайди. Кечаси 9-14, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. **Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради. Ёнгиғарчилик кузатилмайди. Кечаси 11-15, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Тунда 10-15, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади. **Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёнгиғарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 9-11, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади. **«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва мўлазимга қайтарилабди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болнев.
Навбатчи — Ф. Бутаев.
Мусахҳах — С. Селомов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАД якуни — 21.10 Топширилди — 22.50